
Саховатдан кўнгиллар шод

Мехр-саховатга йўғрилган кўмаклар коронавирус пандемияси давом этадиган даврда Ўзбекистон туманида давом этмоқда.

“Саховат ва кўмак” жамғарманинг туман бўлинмаси ҳисоб рақамига келиб тушаётган маблағлар, саховатпеша инсонлар ва тадбиркорлар томонидан кўрсатилаётган кўмаклар орқали тумандаги саховат маркази орқали ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламига бирламчи ёрдамлар етказиб берилмоқда.

Хусусан, бугун, 20 июл куни марказ орқали 4 та сектор ҳудудларида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож 33 та оиласаларга 11 хил турдаги бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Халқимизда қадимдан қадрланиб келган олийжаноб фазилатларни, азалий анъаналарни янада ёрқин намоён этадиган бу амаллар туманда давом этмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-07-20 18:55:15